


АҚШ Президенти Жозеф Байден Президент Шавкат Мирзиёевга табрик йўллади



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент жаноблари!

Сизга ва Ўзбекистон халқига Наврӯз тинч, баҳтли ва фаровон бўлишини тиламоқчиман.

Афғонистонда урушга чек қўядиган, барқарор ва дипломатик ечимни таъминлайдиган тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш борасидаги биргалиқдаги ишларимизда Наврӯз байрами тинчлик ниҳоятда муҳим неъмат эканини эслатиб туради.

Жорий йилда Ўзбекистон мустақиллигига 30 йил тўлади. Кейинги йилларда Сиз муҳим ислоҳотларни амалга оширдингиз ва менинг Администрациям бу муваффақиятни давом эттириш учун мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Биз, шунингдек, беш йил аввал Давлат котиби Жон Керри раҳбарлигида бошланган «С5+1» мулоқоти доирасидаги ҳамкорлик давом этишидан умидвормиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига шу янги йилда ва янги баҳор фаслида энг эзгу тилакларимни изхор этаман.

Наврӯз муборак!

Ҳурмат билан,

**Жозеф Робинетт Байден,
Америка Қўшма Штатлари Президенти**

Манба